Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар Советининг органи

№ 77 (5367).
4 АПРЕЛЬ 1984 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

тонгги газеталарда

● КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети социалистик Венгриянинг миллий байрами — мамлакат фашизм зулмидан халос этилганлигининг 39 йиллиги муносабати билан Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетига, ВХР Президиумига ва Министрлар Советига, қардош венгер халқига самимий қутловлар ва энг яхши тилаклар изҳор этдилар.

Венгрия раҳбарларининг КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Советига Президиуми ва СССР Министрлар Совети номига юборган телеграммаларида ўртоқлик тилакларн учун самимий миннатдорчилик изҳор этилади.

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ — ЮБИЛЕЙГА

ТОШКЕНТДАГИ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1984 ЙИЛ УЧУН ОШИРИЛГАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь, 1983 йил декабрь ва 1984 йил февраль Пленумлари тарихий қарорларини ҳаётга татбиқ эта борнб, Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилган ҳолда зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

мавжуд резервлардан тўлароқ фойдаланиш, фан-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларни, меҳнатни ташкил қилиш ва рағбатлантиришнинг бригада усулини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, меҳнат ва технология интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар малакасини ошириш, сменаларда ускуналардан имконн борича тўла-тўкис фойдаланиш, ҳамма жойда иқтисод ва тежамкорликни кучайтириш, социалистик мусобақа шаклларини такомиллаштириш, ғоявий-тарбиявий ишларни кучайтириш, коллективда ижодий изланиш ва ўзаро талабчанлик муҳитини вужудга келтириш йўли билан:

1. Меҳнат унумдорлиги белгиланган пландагига нисбатан 1,8 процент оширилади, шунинг эвазига ишлаб чиқариш ҳажми бутун ўсиши таъминланади. Планга қўшимча 1 миллион 300 минг сўмлик 60 минг дона трикотаж буюмлар тайёрланади.

— Маҳсулот таннархи ярим процент камайтирилади ва шунинг эвазига планга қўшимча 370 минг сўм фойда олинади.

2. Ускуналарнинг сменалараро ишлаши 0,2 процентга оширилади.

3. 30 минг сўмлик 68 тонна хом ашё, 600 минг гигакалорий иссиқлик энергияси, 232 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинади.

4. Маҳсулотлар жами ҳажмининг 23 процентн давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилиши таъминланади.

— 53 модель давлат Сифат белгисига аттестацияга тақдим этилади.

5. Ишлаб чиқаришга:

— Янги техника бўйича 15 та тадбир,

— 2 та механизациялашган поток линияси;

— иқтисодий самараси 730 минг сўмлик 185 та рационализаторлик таклифи ва ихтиролар жорий этилади.

6. Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш эвазига қўл меҳнати салмоғи 0,3 процентга камайтирилади.

— Фан-техника тараққиётини жорий қилиш туфайли меҳнат унумдорлиги ўсишининг 75 процентн (ана шу кўрсаткич умумий ҳажмида) таъминланади.

7. Ишлаб чиқаришда 600 нафар янги ишчи тайёрланади.

— 600 кишининг малакаси оширилади.

— 450 киши иқтисодий таълимга жалб этилади.

8. 51 кишининг беш йиллик топшириқларини 3,5—4 йилда бажариши таъминланади.

— 1400 киши ва 10 бригада В. И. Ленин туғилган куннинг 115 йиллигига беш йиллик топшириқни адо этади.

— 1050 киши Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигигача беш йиллик топшириқни бажаради.

Социалистик мажбуриятлар бирлашма коллективининг йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинди.

ОРБИТАДА СОВЕТ-ҲИНДИСТОН ЭКИПАЖИ

ТАСС АХБОРОТИ

1984 йил 3 апрель куни Москва вақти билан соат 17 дан 09 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз Т-11» космик кемаси учирилди.

Совет космик кемасини Халқаро экипаж: кема командири Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Юрий Малишев, бортинженер Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Геннадий Стрекалов ва тадқиқотчи-космонавт Ҳиндистон Республикасининг граждани Ракеш Шарма бошқармоқдалар.

Учиш программасида «Союз Т-11» кемасини «Салют-7» — «Союз Т-10» орбитал комплекси билан туташтириш ҳамда 1984 йилнинг 8 февралидан буён Ер атрофи орбитасида ишлаётган космонавтлар Кизим, Соловьев ва Атьков билан биргаликда тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Совет-Ҳиндистон экипажи Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги шартномага мувофиқ учмоқда.

«Союз Т-11» кемаси ичидаги системалар нормал ишламоқда. Космонавтлар Малишев, Стрекалов ва Шарма ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

Экипаж учиш программасини бажаришга киришди.



Суратда: Совет-Ҳиндистон экипажи аъзолари Юрий Малишев, Ракеш Шарма ва Геннадий Стрекаловлар. ТАСС фотоси.

«Союз Т—11» кемасининг командири полковник Юрий Васильевич МАЛИШЕВ

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Юрий Васильевич Малишев 1941 йил 27 августда Волгоград областининг Николаевск шаҳрида туғилган.

1963 йилда у Харьков учувчилар олий ҳарбий авиация билим юртини тамомлади. Сўнгра ҳарбий ҳаво кучларида хизмат қилди. «1-класс ҳарбий учувчи» ва «3-класс синовчи-учувчи» малакасига эга.

Юрий Васильевич — 1964 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

Ю. В. Малишев 1967 йилдан буён космонавтлар отрядида.

1977 йилда Юрий Васильевич Ю. А. Гагарин номидаги Ҳарбий ҳаво академчясини сиртдан тамомлади.

Ю. В. Малишев 1980 йил июнида «Союз Т—2» кемасининг ва «Салют—6» станциясига ташриф экспедицияси экипажининг командири сифатида биринчи марта космосга парвоз қилган эди.

«Союз Т—11» кемасининг борт инженери Геннадий Михайлович СТРЕКАЛОВ

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Геннадий Михайлович Стрекалов 1940 йил 28 октябрда Москва областининг Митишчи шаҳрида туғилган.

У 1965 йилда Бауман номидаги Москва олий техника билим юртини тамомлаб, конструкторлик бюросида ишлай бошлади. Геннадий Михайлович ташаббускор ва билимдон инженер эканлигини кўрсатди, космик аппаратларни ишлаб чиқиш ва синашда қатнашди.

Г. М. Стрекалов—1977 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

У 1973 йилда космонавтлар отрядига киритилди. Геннадий Михайлович икки марта: биринчиси — 1980 йилда «Союз Т—3» кемасида ва «Салют—6» орбитал станциясида, иккинчиси эса 1983 йилнинг апрелида «Союз Т—8» кемасида космосга учган эди.

«Союз Т—11» кемасининг тадқиқотчи космонавти майор Ракеш ШАРМА

Ҳиндистон республикасининг граждани Ракеш Шарма 1949 йил 13 январда Патиала шаҳрида туғилган.

1966 йилда миллий мудофаа академиясига кирди. Уни тамомлагандан кейин Ракеш Шарма Ҳиндистон ҳарбий ҳаво кучларида хизмат қила бошлади. Сўнгра турли эскадрильяларда хизмат қилди, замонавий самолётларда учди.

Ракеш Шарма синовчи-учувчилар курсини тамомлагандан кейин ҳар хил типдаги самолётларнинг синовларида иштирок этди.

1982 йилда майор Ракеш Шарма Ю. А. Гагарин номидаги қосмонавтлар тайёрлаш марказида машқларга киришди. «Союз Т» космик кемасида ва «Салют» орбитал станциясида учишлар таълимининг тўла курсидан ўтди.

«СОЮЗ Т—11» КЕМАСИ КОМАНДИРИНИНГ УЧИШ ОЛДИДАН БЕРГАН БАЁНОТИ

Бир неча минутдан кейин Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикасининг вакиллари «Союз Т—11» кемасида космосга парвоз қиладилар. Менга мана шу Халқаро экипаж командири бўлишдек юксак ишонч билдирилди.

Бизнинг учишимиз космик фазони тинчлик мақсадларида тадқиқ этиш соҳасида СССР билан Ҳиндистон ўртасида муттасил ривожланиб бораётган ҳамкорлик йўлидаги янги катта қадам бўлади.

Совет ва Ҳиндистон космонавтларининг биргаликдаги иши мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига аминмиз.

«Союз Т—11» кемасининг Халқаро экипажи номидан маълум қиламан: космик учишга тайёрмиз, мана шу фахрли ҳамда масъулиятли топшириқни бажариш учун ўзимизнинг бутун кучимиз, билимимиз ва тажрибамизни сарфлаймиз.

«Союз Т—11» кемасининг командири

СССР космонавт-учувчиси Юрий МАЛИШЕВ.

«СОЮЗ Т—11» КЕМАСИ ҲИНД ТАДҚИҚОТЧИ КОСМОНАВТИНИНГ УЧИШ ОЛДИДАН БЕРГАН БАЁНОТИ

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Киши бошқарадиган биргаликдаги космик парвозда «Союз Т—11» кемаси Халқаро экипажининг аъзоси бўлиш ва «Салют—7» космик станцияси ичида илмий экспериментлар ўтказиш имкониятини олиш Ҳиндистон Республикасининг граждани учун ғоят буюк шарафдир.

Мана шу дадил зафарли ишда ўз мамлакатимнинг биринчи намояндаси бўлиш ҳамда инсон билимининг янги марраларини ўзлаштиришга ўзимнинг камтарона ҳиссамни қўшиш мен учун, айниқса, фахрлидир.

Ҳиндистондаги ва Совет Иттифоқидаги кўпгина кишиларнинг куч-ғайратлари туфайли шу воқеа содир бўлганлигини биламан ва уларга ўзимнинг ғоят самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман. Шу космик парвозни менга ишонган ва менга юксак ишонч билдирган кишиларнинг ҳаммасига, улуғ халқларимиз ўртасидаги абадий дўстликка бағишлашни истардим.

«Союз Т—11» космик кемасининг тадқиқотчи космонавти, Ҳиндистон Республикасининг граждани Ракеш ШАРМА.

ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИГА БИНОАН

БИР КУН ГАЗЛИ УЧУН ИШЛАШАДИ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг 1-йигирув-тўқув фабрикасидаги меҳнатни ташкил этишнинг илғор методи — ягона нарядда ишлаётган коллективларнинг куни-кеча бўлиб ўтган бригада советлари аъзолари йиғилишида кун тартибидаги масалани муҳокама қилиш тугаётганида 2-тўқув цехи мастер ёрдамчиси, Йўлдош Охунбоев номли мукофот лауреати Сирожиддин Пўлатов сўз олди:

— Олтин ўтда, инсон оғир кунларда синалади, — дея гап бошлади Сирожиддин ака. — 1966 йилги Тошкент зилзиласи ҳаммамизнинг ёдимизда. Ўшанда бутун совет халқининг ташвишли нигоҳи Ўзбекистон пойтахтига қадалган эди. Дўстларимизнинг ўша оғир кунларда кўрсатган ёрдамини санаб ўтиришга ҳожат йўқ. Бу беминнат ёрдам ниқоси Тошкентнинг бугунги жамоли ва камолида акс этиб турибди.

Бугун эса республикамиздаги кенжа шаҳарлардан бўлган Газли шаҳри аҳолиси бошига оғир кунлар тушди. Барча газлиликлар матонатига, саботига таҳсин айтмоқда.

Шундай шароитда бизнинг қўл қовуштириб ўтиришимиз тўғри бўлмайди. Газлидаги дўстларимизга қўлдан келган ёрдамимизни беришимиз лозим. Мен ўзим бош бўлган комплект аъзолари билан кенгашиб, шундай қарорга келдик: дам олиш куни олти соат Газли учун ишлаб берамиз. Ўша куни дастгоҳларимиздан 4 минг метр хом сурп ишлаб чиқарамиз. Шу куни топилган барча иш ҳақини Газлига ёрдам фондига ўтказамиз.

Азиз ҳамкасблар! Бригадамизнинг барча аъзолари номидан сизларни ташаббусимизни қўллаб-қувватлашга чақирамиз.

Залда гулдурос қарсаклар янгради. Шундан кейин минбарга кўтарилган 1-тўқув цехининг 1-участкаси мастер ёрдамчиси С. Зиновьев, 2-участка мастер ёрдамчиси Х. Абдураимов, йигирув цехининг йигирувчиси С. Назарова бу ташаббусни қўллаб-қувватлаяжакларини изҳор этдилар.

— Янги ташаббусни бизнинг участкамиз ишчилари бошлаб берганлиги ғоят қувончлидир, — деди 4-участка бошлиғи Одил Каримович Шокиров биз билан суҳбатда. Ҳар икки смена ишчилари дам олиш кунларининг бирида «Янги Газли учун!» шнори остида бир сменадан ишлаб беришга қарор қилишди. Ўша куни участка коллективи 34 минг метрдан зиёд хом сурп ишлаб чиқаради ва топилган барча маблағни Газлига ёрдам фондига ўтказади. Аминманки, ишчиларимиз бошлаган бу хайрли ташаббус цехимиздан, корхонамиздан, республикамиздан ташқарида ҳам ўз издошларини топади.

Ҳ. САЪДУЛЛАЕВ, «Тўқимачилар овози» газетаси ходими.

ИККИ КОРХОНА ШАРТНОМАСИ

Тошкент область электр станциялар ва электр техникаси саноати ишчилари касаба союзлари комитетининг касаба союз активистлари Иваново шаҳрига қилинган сафардан қайтиб келишди.

Улар дўстлар диёрида 1984—1985 йиллар ўртасида олиб бориладиган социалистик мусобақа шартномасини имзоладилар. Шартномани «Ивэнергоремонт» ва Тошкент ихтисослаштирилган ремонт ишлаб чиқариш корхонаси коллективлари имзоладилар. Тошкент вакиллари Ивановода замонавий иншоот — ГРЭСнинг ишлаш фаолияти билан танишдилар.

ДЕҲҚОНЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область комитети ва Тошкент область касаба союзлари Совети ташаббуси билан ташкил этилган агитация автобуси музика садолари остида дала миришкорлари ҳузурига жўнаб кетди. Бу автобусда ёзувчилар ва шоирлар, «Билим» жамияти лекторлари, врачлар малакали хизмат кўрсатиш ходимлари, ҳаваскор артистлар бор. Агитавтобус қатнашчилари дала механизаторларига ҳузурида бўлиб, маданий хизмат кўрсатадилар.

Дала шийпонлари ва уйларида музика садолари янграйди. Бутуниттифоқ ҳаваскорлик ижодиёти бадиий коллективлар конкурсларининг қатнашчилари рақсга тушадилар.

БУТУНИТТИФОҚ МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБИ

1983 йил Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг тўртинчи квартал якунларига кўра Тошкентдаги «Ўзбекистон» меҳмонхонаси коллективига СССР чет эл туризми Давлат комитети ва давлат муассасалари ходимлари касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди.

Ҳар йили ер курраснинг 60 дан зиёд мамлакатидан келадиган меҳмонлар гуллаб-яшнаб бораётган серқуёш совет Ўзбекистони билан қизиқиб танишадилар. Ҳозирги пайтда меҳмонхона комплексида бригада пудрати методи асосида хизмат кўрсатишни ташкил этиш планлаштирилмоқда. Айни пайтда меҳмонхона механизаторлари Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII Халқаро Тошкент кинофестивали меҳмонларини кутиб олишга тараддуд кўрмоқда.

СССР чет эл туризми бўйича Давлат комитетн раисининг ўринбосари Н. Я. Санников коллективга кўчма Қизил байроқни топширди.

Ш У КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Фрунзе район партия комитетида бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, партия активистлари «думалоқ стол» атрофида «Партия топшириғи — коммунистларни тарбиялашнинг муҳим формаси» мавзуида суҳбат ўтказадилар. Унда партия топшириғининг роли ҳақида гап боради.

●

Киров район партия комитетида бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг ўқуви бўлди. Унда партия ташкилотларининг етакчилари коллективларда олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида сўзлаб беришди.

●

Новий путь кўчасида бир юз ўн квартирали уй-жой биносига эгаларининг кўчиб кириши бошланди. Бу бинони «Главташкентстрой»га қарашли 1-уйсозлик комбинатининг 2-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари фойдаланишга топширишган.

●

Пойтахтимизнинг биринчи Май кўчасидаги «Болалар дунёси» магазини олдида биринчи марта янги ихтисослаштирилган «Болалар таомлари» магазини аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Бу ерда чақалоқларга мўлжалланган тўйимли ва хушхўр ранг-баранг ноз-неъматлар сотилмоқда.

●

В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият ва техника саройининг концерт бригадаси Болгария Халқ Республикасига қилган сафаридан қайтиб келди. Ҳаваскорлар Болгарияда революция ғалаба қозонганлигининг қирқ йиллигига бағишланган замонавий рақслар конкурсида қатнашишга муяссар бўлди.

●

Республика Кинематографчилар союзида пойтахтнинг Октябрь райони меҳнаткашлари вакилларининг ўзбек кино санъаткорлари билан бўладиган учрашуви Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланади. Учрашув охирида ўзбек экран усталари яратган фильмлардан тузилган катта кинопрограмма намойиш этилади.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб совт 11 да Тошкентда 9 даража иссиқ бўлди. Кейинги икки кунда ҳаво вақти-вақти билан булутланиб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғади, момақалдироқ бўлиши мумкин. Кечаси 8— 10, эртага кундузи 18—20 даража иссиқ бўлади.

ДАЪВОГАРЛАР МАТЧЛАРИДА

● **ШАХМАТ**

ВИЛЬНЮС. Жаҳон шахмат тожига даъвогарлар Г. Каспаров ва В. Смислов ўртасидаги финал матчнинг ўн биринчи партияси 27-юришда дуранг натижа билан тугади. Матчда Г. Каспаров 7:4 ҳисобида пешқадамлик қиляпти.

СОЧИ. И. Левитина ва Л. Семёнова ўртасидаги финал матчнинг давом эттирилган ўнинчи партияси Левитинанинг ғалабаси билан тугади. Ҳисоб 5,5:4,5— Левитина пешқадамлик қиляпти.

● **ШАШКА**

АМСТЕРДАМ (Голландия). Бу ерда халқаро шашка бўйича жаҳон чемпиони унвони учун Х. Вирсма (Голландия) ва В. Вирний (СССР) матчи давом эттирилмоқда. Ўйналган 11 ва 12-партиялар дуранг натижа билан тугади. Вирсма 6,5:5,5 ҳисобида олдинда.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган onaларга «Қаҳрамон она» унвони берилсин ҳамда уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилсин:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

1. Ҳолиқова Мамлакат Сиддиқовна — уй бекасига, Собир Раҳимов райони.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари

В. КУЗНЕЦОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль,
1984 йил 23 март.

Фигурачиларнинг баҳорги рақслари

Бугун «Юбилейний» Марказий спорт залида фигурали учиш бўйича СССР шахсий чемпионати бошланди. Ғолиблик учун баҳсларда мамлакатимизнинг юзга яқин энг кучли спортчиси иштирок этмоқда. Уларнинг орасида ўзбекистонлик спорт мастерлари С. Нўъмонова, А. Хвалько, И. Шишова — А. Сулаймонов (спорт жуфтлиги) ҳам бор.

Маълумки, 1975 йилда Тошкентда СССР Кубоги мусобақалари ўтказилган эди. Мезбонлар бу сафарги мусобақаларга ҳам яхши тайёргарлик кўришди.

«Юбилейний» муз спорти саройининг кўриниши ҳам ўзгарди. Муз майдонининг атрофи бошқатдан жиҳозланди. Уларга миллий безаклар туширилди. Судьяларнинг баҳоларини маълум қилиш учун электр табло ўрнатилди. Радиоузел янги магнитафонлар билан тўлдирилди. Чемпионатнинг эмблема ва нишонлари тайёрланди. Машқ майдони фигурачилар ихтиёрига топширилди. Оталиқ ташкилотлари маданий программани ишлаб чиқишди. Қисқа қилиб айтганда, ташкилотчилар чемпионатни юқори савияда ўтказиш учун лозим бўлган барча тадбирларни амалга оширишди.

Бугун эркаклар мажбурий программада, рақс жуфтликлари мажбурий рақс программасида, жуфт бўлиб учувчилар қисқа программада беллашадилар.

• ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИГА БИНОАН

8. ЁШ ГАЗЛИЛИКЛАР ИБРАТИ

РЕПОРТАЖ

Газли шаҳри аҳолисининг ҳар учтасидан бири ҳали балоғатга етмаган, болалар боғчасига, мактаб ёки ҳунар-техника билим юртига қатнайди. Улар қадрдон шаҳарлари бошига тушган шу оғир кунларда катталарнинг яқин ёрдамчилари бўлишмоқда. Чиндан ҳам улар муносиб ўринбосарлардир.

Махсус мухбирларимиз Сергей Ежков ва Тўлқин Каримовлар воқеа содир бўлган жойдан ёзишмоқда.



Шаҳар доимо тартибни севади. Ҳатто ер ости тўфони Газлининг ана шу осойишта ҳаётини бузишга интилган дақиқаларда ҳам буни ҳис этиш мумкин эди. Зилзила газчилар, зарур хизмат бўлинмалари ишини издан чиқара олмади. Зилзила оқибатларини тугатиш бўйича штаб шаҳарликларнинг барча ишини аниқ ташкил этиб турди. Биз бу ерда таниш-билиш ёш газлиликларнинг кўпчилиги ўзларини ҳақли равишда шаҳарнинг туб аҳолиси сифатида тилга олади. Улар кўп болали оналар ва мажруҳ кишиларга, бинокорлар ва монтажчиларга ёрдам беришяпти.

Назарбек Серекбоев Газли шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртида операторлик касбини ўрганмоқда. У бу йил ўн беш ёшга тўлади. Аммо йигитча зиммасига катталарники каби масъулият тушганиданми, шу оғир кунларда унчалик ҳам ўн беш ёшлик ўспиринга ўхшамайди. Чунки комсомол аъзоси бугун умумий ишдан четда тура олмайди-да.

— Бировнинг бахтсизлигига бефарқ бўлиш бизга ёт нарса,— дейди у. —Бизни шундай ўқитишган. Биз ҳам шундай яшашга ҳаракат қиламиз.

«Газлинефтега з д о бича» бирлашмаси комсомол комитетида бизга шундай воқеани айтиб беришди. Зилзила юз берган тунда Гулнора Тулегенова оиласи истиқомат қилаётган уй бутунлай шикастланди. Она ва оиланинг барча ўн фарзанди кўчага вақтида чиқишга улгурди ва барчаси бешикаст қолдилар. Аммо бошпанасиз қолган бу оила аъзоларига эътиборсиз бўлиш мумкинмиди? Йўқ, албатта. Серекбоев ва унинг мактабдош ўртоқлари Юрий Тўраев, Ермахон Кушкенбоевлар шаҳарчани айланишиб, зилзиладан азият чеккан-лар, бошпанасиз қолганлар рўйхатини тузишди. Ҳар бир кишига ёрдам беришга ўзларини бурчли сезишарди. Улар Тулегеновалар уйи яқинига ҳам келишди. Гулнора опанинг турмуш ўртоғи бош иншоотда навбатчилик қиларди. Назарбек оиланинг барча аъзоларини шу яқин орадаги қурувчилар вагончасига жойлашишни таклиф этди. Шундай қилиб, зилзила рўй берган биринчи кечанинг ўзидаёқ кўп болали оилалардан бири бошпана билан таъминланди. Ҳар куни билим юртидаги машғулотлардан сўнг йигитчалар биринчи навбатда кўп болали оилаларнинг фарзандларига ёнига ошиқишади, уларга қарашади, оилаларга зарур ёрдам кўрсатишади. Улар вагончаларга яқинлаши-ши билан болалар Назарбекни кўриб «Ойи Серекбоев тоға келяпти» деб чақиришади. Газли ёшлари ана шундай олижаноб фазилат соҳибидир.

Газлида бир ярим мингдан кўпроқ комсомол аъзоси фаол иш олиб бормоқда. Улар 20 та оператив отряд тузишган. Йигит ва қизлар ҳар бир оиланинг севимли меҳмони.

—Ҳозир мен бир нарса тўғрисида ўйлаяпман,—дейди биз билан суҳбатда ўн боланинг онаси Альбина Гайсиновна Месерова. Биз илгари, назаримда, ҳозирги ёшларимизга тўғри баҳо бермас эканмиз, улар бироз худбинроқ бўлиб ўсаётгандай бўлиб туюларди. Мана энди кўриб турибмизки, бу фикр унчалик тўғри эмас экан. Ёшларимиз меҳрмуҳаббатли, меҳнатсевар, ғамхўр, оғир дақиқаларда ёрдам зарур кишиларни қўллаб-қувватлашга доимо тайёр, фаол эканлар. Менинг беш фарзандим боғчага қатнайди. Уларни комсомол аъзоси Гуля Тишаева тарбияламоқда. Ажойиб қиз. Ҳозир уларга ҳам қийин. Чунки боғча палаткаларда жойлашган. Аммо болаларимиз доимо хушчақчақ, озода кийинган, вақтида овқатлантирилганлигини кўриб кўнглимиз кўтарилади.

... Газли шаҳри ва унинг кенгликлари узра оқшом қўнди. Зилзила оқибатларини тугатиш штабида иш маромида асло сусайгани йўқ. Бугун бош иншоотда ёш операторлар Одил Жўраев ва Абдухолиқ Соқибоевлар навбатчилик қилишади. Телефонлар жим, демак, ҳамма жойда осойишталик. Бу ерда ўз ишларини фаоллик билан бажараётган газлилик ёшлар ҳар дақиқада одамларга ёрдам кўрсатишга шай.

«Тошкент оқшоми»нинг махсус мухбиридан.

Газли, 4 март.

* * *

СУРАТДА: Ер физикаси институти сейсмологлари ер остн силкинишини қайд этувчи прибор маълумотлари билан танишмоқдалар.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

70 МАМЛАКАТГА ЖЎНАТИЛМОҚДА

СОФИЯ. Кейинги йилларда болгар автокарлари етказиб берилаётган мамлакатлар сони анча кўпайди. Бу эпчил ва ҳаракатчан машиналарни жаҳоннинг 70 мамлакатидаги портларда, темир йўл станцияларида, қурилиш майдончаларида учратиш мумкин. Ҳозирги вақтда Болгарияда ҳар йили турли модификациядаги 32 мингта автокар ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг кўпчилиги Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Республикада бундай машиналарнинг асосий қисмини Пловдивдаги «Рекорд» комбинати ишлаб чиқармоқда. Бу ерда 2 тоннадан 3,5 тоннагача юк кўтарадиган автокарлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бундай машиналар мураккаб иқлим шароитларида ишлаш учун мўлжалланган-дир. Кучли дизель двигателли, осма мосламалар комплекти билан таъминланган бундай автокарлар очиқ майдончаларда ҳам, шунингдек ёпиқ биноларда ҳам ҳар хил юк ортиш-тушириш ишларини бажариши мумкин. Шу мақсадда кўпгина машиналарда махсус фильтрлар ўрнатилган бўлиб, улар чиқариб ташланадиган газни тозалайди.

Ҳозир болгар конструкторлари 8 тоннадан 15 тоннагача юк кўтара оладиган автокарларнинг тажриба нусхасини яратиш устида иш олиб бормоқдалар.

АЪЛО ИШЛАЙДИГАН КОРХОНА

БЕРЛИН. Дрезден округининг Баутцен шаҳридаги машинасозлик заводига «аъло ишлайдиган корхона» фахрли унвони берилгани бежиз эмас. Завод ишлаб чиқараётган буюмларнинг ҳаммаси — қоғоз, картон, қўн, фольга ва бошқа материалларни қирқадиган серунум машиналар давлатнинг аъло аттестациясига сазовор бўлган.

Баутцендаги заводда яратилган машиналар ишлаб турган 60 дан кўпроқ мамлакатдаги завод ва фабрикаларнинг меҳнатчилари бу баҳонинг тўғрилигини тасдиқлашлари мумкин. Машиналар Совет Иттифоқида ҳам, бошқа қардош давлатларда ҳам шуҳрат қозонган.

Маҳсулот сифатини яхшилаш — ГДР ишлаб чиқариш қоллективлари социалистик мажбуриятларин и н г асосий бандларидан биридир. Бу вазифа муваффақиятли адо этилмоқда. Давлат Сифат белгисига сазовор бўлган буюмлар сони ҳозирги вақтда 13 мингтадан ошиб кетганлиги факти ҳам ана шундан далолат беради. Бу эса 1975 йилдагидан икки баравар кўпдир.

ССРнинг кўмаги билан

УЛАН-БАТОР. Шу йил бошидан буён социалистик Монголия харитасида бир қанча йирик халқ хўжалик объектлари пайдо бўлди. Селенгин металлар қазиб чиқарадиган замонавий кончилик корхонаси, Дархан тегирмон комплекси интернационал дўстлик шаҳри бўлмиш Эрдэнэтдаги гилламдўзлик ва озиқ-овқат комбинатларининг иккинчи навбатлари шундай объектлар жумласидандир. Бу корхоналарнинг ҳаммаси Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилди.

Капитал қурилиш — монгол-совет ҳамкорлигининг муҳим соҳасидир.

Совет Иттифоқининг илғор тажрибасини ўзлаштириш тармоқда меҳнат унумдорлигининг ошишига ёрдам беряпти. Ҳозирги вақтда монгол қурилишмонтаж ташкилотларининг деярли ярми бригада пудрати методи асосида ишламоқда. Бинокор касбини олган юзлаб монгол йигит ва қизлари МХРда ишлаётган тажрибали совет мураббий усталар қўлида ишлаб чиқаришдан ажралмаган, ҳолда ўқимоқда.



Қўшиқнинг сеҳрли жозибаси... У турли миллат вакилларини бир-бирига яқинлаштирадиган ва дўстлик ипларини боғлайдиган восита. «Байрут» қўшиғи дунёдаги кўпгина мамлакатлар бўйлаб қанот ёзди. Биринчи марта уни 1983 йилда Берлинда бўлиб ўтган XIII сиёсий қўшиқлар фестивалида Фаластин Озодлик ташкилотининг вакили Мустафо эль Курд ижро этган эди. Бу қўшиқни таржимонсиз ҳам ҳамма томошабинлар тушунди ва олқишлади...

СУРАТДА: Мустафо эль Курд куйламоқда.

АДН—ТАСС фотоси.

* * *

Лондонда урушга қарши намойиш бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари (суратда) ҳарбий бюджетдан маориф учун маблағ ажратишни талаб қилиб чиқдилар.

АП—ТАСС телефотоси.



ВИЛОЯТНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

ХАНОЙ. Кўплаб кўмир разрезлари ва шахталарнинг мавжудлиги Шимолий Вьетнамдаги Куангнинь вилоятининг ўзига хос асосий хусусиятидир. Республикада бу вилоятни азалдан кончилар ўлкаси деб аташади.

Вьетнам «қора олтин»ининг асосий запаслари шу ерда жойлашган. Айни шу нарса мамлакатнинг асосий ёқилғи — энергетика базаси сифатида вилоятнинг ҳозирги қиёфасини белгилаб бермоқда. Бу ерда Совет Иттифоқининг қардошларча кўмагида СССРда ишлаб чиқарилган замонавий техника билан таъминланган бир қанча йирик шахта ва разрезлар барпо этилади.

Кончиларнинг катта отряди кўмир қазиб чиқаришни ҳар томонлама кўпайтиришдан иборат ўз олдиларига қўйилган вазифани муваффақиятли ҳал этмоқда. Уларнинг кўплари СССРда тайёргарликдан ўтишди ёки Куангнинда ишлаётган совет мутахассисларининг кўмаги билан ўз малакасини оширди, деди ВКП Вилоят комитетининг секретари Ле Дай. Шахтёрлар учинчи беш йиллик бошланишидаёқ зўр ғайрат билан ишлаб кўмир қазиб олишни кўпайтиришнинг барқарор суръатларини таъминламоқдалар. Улар бултур қарийб 6 миллион тонна ёқилғи қазиб чиқардилар.

Ҳозирги вақтда Куангнинни ривожлантиришнинг комплекс программаси амалга оширилмоқда. Бу ерда кўмир қазиб чиқариш билан бир қаторда бошқа саноат тармоқлари, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳам ривожланмоқда. Кўмир қазиб чиқаришга ҳозир ҳам катта эътибор берилмоқда.



Сальвадорнинг жазо отрядлари ватанпарварларга қарши жанг ҳаракатларидаги ўз муваффақиятсизликларини учун тинч аҳолига қасд қилмоқдалар.

СУРАТДА: жазо отрядларининг навбатдаги қурбонлари.

АП—ТАСС телефотоси.



Коммунист Инобат Турсунова «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор тўқувчиларидан саналади. У шахсий ўн биринчи беш йиллик топшириғини 3,5 йилда адо этишга аҳд қилган. Ҳозир илғор ишчи бу ваъдасини бажариш учун астойдил ҳаракат қилиб, смена топшириқларини мунтазам 120—130 процентга етказиб адо этяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ХЎЖАЛИККА РАҲБАРЛИК

ПАРТКОМ НАЗОРАТИДА

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси истеъмолчиларга ҳар куни турли хил маҳсулотлар жўнатиб турадя. Улар орасида телефон кабеллари ҳам, мис катанкаси ҳам, каротаж кабеллари ҳам бор. Корхонанинг цехларида булардан ташқари кенг истеъмол моллари ҳам тайёрланади. Рўзғор учун ишлатиладиган арқон, ванна учун гиламча, антенна ва бошқа хил буюмлар бор.

Бирлашмада ишлаб чиқарилаётган кенг истеъмол моллари, очиғини айтганда, сон жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам ҳали харидорларнинг ўсиб бораётган талабларини қондирмаётир. Савдо ташкилотлари корхона раҳбарларининг эътиборини бир неча бор ана шу масалага қаратдилар. Шунга қарамай, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш кутилганидан анча суст ривожланмоқда. Ҳали бу ерда муваффақиятлар ҳақида гапиришга эрта.

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, ўтган йили кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш плани бажарилмади. Партия комитетини бу ташвишга солмаслиги мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва республика комсомоли Марказий Комитетининг 1984 йилдан бошлаб кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, турларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида министрликлар, идоралар, областлар ва корхоналарнинг социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорини бу ерда жанговар ҳаракат программаси сифатида кутиб олдилар.

Бирлашма партия комитети аввало, бу қарорни корхонанинг барча ходимлари қалби ва онгига етказди. Ҳар ҳафтада ўтказиладиган «секретарь соат»ларида корхонанинг цех ва бўлимлари партия ташкилотлари олдига ишнинг бу муҳим соҳасида конкрет вазифалар қўйилди. Цехларда оммавий-сиёсий ва ташкилотчилик ишлари олиб борилди. Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, турларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш учун социалистик мусобақа ташкил этилди. Фақат планни бажаришгина эмас, балки ўтган йилги қарзни узиш вазифаси қўйилди. Бундан ташқари, кенг истеъмол моллари савдо ташкилотларининг буюртмалари бўйича аниқ ишлаб чиқариладиган бўлди.

Корхона касаба союз комитети истеъмол моллари ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришаётган илғор ишчиларнинг тажрибаларини пропаганда қилди ва уларнинг тажрибаларини барчанинг мулкига айлантирди. Мусобақа шартларини ишлаб чиқди.

Партком бу ишни муттасил ўз диққат марказида тутмоқда. Цех бошлиқлари ва партия ташкилотлари секретарларининг кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш қандай бораётганлиги тўғрисидаги ахборотларини тинглаб бормоқда.

Бирлашма коллективи ўз олдидаги вазифаларни жуда яхши тушунади. Ўйлаймизки, бу ерда кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш бир маромда йўлга қўйилади ва ўтган йилги қарз қопланади.

А. БРОНШТЕЙН.

• СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШМОҚДА?

ХАРИДОР НЕГА РАНЖИДИ?

Оқшомхонлар хатларида айрим савдо ходимларининг ўз ишига масъулиятсизлиги, харидорлар билан қўпол муомалада бўлаётганлиги, шиша идишлар қабул қилиш пунктларидаги тартибсизликлар ҳақида ёзишмоқда. Қуйида ана шу хатлардан намуна келтирдик.

Сут кутиб

Чилонзорнинг 12-кварталидаги Фарҳод кўчасида жойлашган 5-гастрономда ҳафтасига 2—3 кунлаб сут бўлмайди. Гоҳ соат 8, гоҳ 11 да келтирилади-ган сут эса айрим кунларн ачиб қолган бўлади. Магазин ходимларига мурожаат қилсак, қўпол жавоб беришади.

Эрталаб шошиб турганлар пенсионер ота-оналарнн, гоҳ болаларнн навбатда қолдириб ишга кетишади ва кун бўйи: «Сут келдимикин!» деб ташвиш қилиб юришади. Бу ҳол қачонгача давом этади!

Кўпчилик номидан:
Х. МАЛЛАЕВА,
хизматчи.

Кўнгли нозик экан

Ҳамза район озиқ-овқат савдо бўлимига қарашли 33-магазин шиша идишлар қабул қилиш пункти ходимн юмуш билан келсангиз ҳудди бозордаги чайқовчидек савдолашади. Эллик дона шиша топширсангиз 9 сўм бериб, 1 сўмнни ўзнн-нинг чўнтагига солиб, тиржайиб туради. Унга уч марта шиша топшириб, 3 сўм 50 тийиндан айрилдим. Норозн бўлиб ҳақимнн сўрасам, кўнгли нозик экан, ранжиб қолди.

Унинг айтишича, 20 дона шишага 2 дона бепулнни кўшиб олишга магазин мудирн билан келишилган-мнш. Шу сабабли мудирнинг олдига кирмадим. Уларнинг тили бир кўринади. Лекин шаҳар савдо Бош бошқармасидаги ўртоқларга саволим бор: «Кўнгли нозик» ходимни кнм жиловлаб кўяди!

Р. САЪДИЕВ.
Т. Рисқулов кўчаси, 84-уй.

Одамига қараб

Бирликдаги 20-озиқ-овқат магазинн ходимларнн бнрн-бирндан айёр, десам янглишмайман. Бу ерда ҳатто шиша идишларни ҳам одамига қараб қабул қилишади. Агар шиша келтирган шахс ҳисоб-китобни билса шишанннг баҳоси 18 тийин, болалар келтирган шиша идишларнннг баҳоси эса 12 тийин.

Гоҳн магазинга сарнёғ келиб қолади. Юлғич сотувчилар уялмай, уни орқа эшикдан танишларига сотишади.

Иззатнкн билмаган бу савдо ходимларининг танобини тортиб қўйишнинг кложи борми!

Замаҳшарий кўчасида яшовчи бир группа ота-оналар.

Майдамиз йўқ

Мана икки йилдирки, Сергели массивндаги ярмаркада жойлашган 22-озиқ-овқат магазинидан маҳсулотлар харид қиламиз. 5 февраль, якшанба кунн сотувчига 1 сўм узатиб икки дона 26 тийинлик маргариндан беришларини илтимос қилдим. «Майдам йўқ», деб 1 сўмимни олмади. Шундан кейин, ширинликлар бўлимига ўтиб, 2 килограмм қанд олмоқчи бўлдим. Бу ерда ҳам сотувчи майдаси йўқлигини айтиб, икки сўмлик тортаман деди.

Ахир харидор ёнидаги пулига қараб ўзи учун зарур бўлган маҳсулотларни олишга ҳаракат қилади. Лекин юқоридаги каби баъзи магазинларда харидорларга қайтариш учун танга пул топилмайди. Магазинда ҳамиша танга пулнинг бўлиши сотувчилар зиммасига кирадн-ку.

Мен шу кунн ўз мулоҳазамни ёзиб қолдириш учун 22-магазинининг «Шикоят ва таклифлар» дафтарини сўрадим. Сўрадиму, балога қолдим. Сотувчилар дафтарни беришмасдан бақиришиб, дилимни оғритишди. Уларнинг қўполлигидан оёқ, қўлларим бўшашиб кетди. Бу магазин шаҳардан анча чет бўлганн учунмн ҳеч кнм назорат қилмайди. Сотувчилар харидорларга маданий хизмат қилиш ўрнига ўзларнннг қўполлнги билан донг чиқаришмоқда.

М. ҲАМРОЕВА,
Сергели 2, 3-уй, 33-квартира.

Сифатига эътибор беришсин

Уйғур кўчасидаги 30/94-номерли нон дўконидан нон харид қилдим. Обн нонннг баҳоси қанча билмадим лекин мендан 18 тийин олишди. Аммо уйга келиб ўнта фарзандим билан нонушта қилишга ўтиришдн тағин ҳунобим ошди. Нонлар ҳом, бурдалашим, билан ичидан хамир чиқаверди.

Дўкон сотувчнси Фахриддин Сирожиддиновга эътирозимни айтсам, нонларни қайтариб олиб пулимнн ўзимга бермоқчи бўлди.

Ота-боболарнмиз нонни қадимдан эъзозлаб келган. Бешёғочдаги нон заводнннинг 3/9-номерли филиалидаги ўртоқлар фақат планнн ўйлашади шекилли!

О. ОДИЛОВ,
пенсионер.
Аносов кўчаси, Уфимский проезди, 6-уй.

Оби ноннинг баҳоси

Циолковский кўчасидаги 62-навбатчи озиқ-овқат магазинн ходимларн кеймнги пайтларда бироз паришонхотир бўлиб қолишган. Тўғри, паришонхотирлик жуда дабдабали нуқсон эмас, аммо паришонхотирлнк билан қилинаётган ишлар харидорларни таажжубга солмоқда.

Мана, уларнинг ажойиб меҳнат фаолиятидан бир мисол: Бу ерда 13 тийинлик обн нон ҳеч қандай нзоҳсиз 18 тийиндай сотилаверади. Бу одат тусига кирнб қолган. Агар бирон сннчков харидор эътироз билдирса қоравчадан келган, тўлагина сотувчи аёл шерикларига ёлғон пўпнса қилиб кўяди: «Тўғри савдо қилнмнглар!..»

Биз ҳам 18 тийинлик нонни чойга ботириб еб ўтирнб, ушбунн йўлладик. Обн нонни магазинининг ўзида патирга алмаштирнб сотаётган юлғич савдо ходимларининг кўзн мошдек очилиб қоладиган кун қачон келаркин!

М. ИКРОМОВ.
Олтинтепа кўчаси, 42-уй.

Набираларим нега йиғлашди?

Менинг икки набирам бор. Ҳар иккиси ҳам бир яшар бўлиб қолишди. Буларга маннан бўтқа қнднрнб Бешқайрағоч массивндагн барча озиқ-овқат магазинларига бордим. Лекин тополмадим. Шундан сўнг шаҳар айланиб, набиралар учун маннан бўтқа қидирдим. Ҳеч қаердан тополмадим.

Ажабо, ҳамма нарса бисёр-ку, нега энди гўдаклар учун керакли бўлган озиқ-овқат йўқ!

Л. ҲАМИДОВ,
пенсионер.

РЕДАКЦИЯДАН: Газетхонлар ўз хатларида Ҳамза, Акмал Икромов, Сергели райпишчеторглари, «Ташхлебторг»нинг нон билан савдо қилувчи магазинларида харидорлар ҳақнга хнёнат қилиб, улар билан қўпол муносабатда бўлаётганликларини ёзишади. Редакция шаҳар савдо Бош бошқармасидан газетхонлар хатларидаги келтирилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган аниқ жавобни кутади.

• «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«Дилозорлик»

Газетанинг шу йил 15 март сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола берилиб, унда «Главташшассавтотранс» бошқармасига қарашли 1-автокомбинат ва 6-таксопарк ҳайдовчиларининг йўловчилар билан қўпол муомалада бўлиб, дилларини оғритганлиги айтилган эди. Редакция 1-автокомбинат директори Ғ. Исмоилов ва 6-таксопарк директори А. Қосимовдан газетада берилган мақола юзасидан қуйидаги жавобни олди:

1-автокомбинатн н н г ҳайдовчиси Акбар Тошпўлатов ишлайдиган 3-автоколоннада газетада чиққан танқидий мақола кенг муҳокама қилинди. Ҳайдовчи А. Тошпўлатов йўловчи Ҳ. Ҳасанова билан қўпол муомалада бўлгани учун уч ой муддатга такси ҳайдашдан маҳрум этилиб, хўжалик нншга ўтказилди. 3-автоколоннa бошлиғи Ҳ. Мирсоатовнинг эътиборн ҳайдовчилар ўртасида йўловчиларга хнзмат кўрсатиш маданиятини ошнрншга қаратилган снёсий-тарбиявий ишларнн кучайтирнш лозимлигига жалб этилди.

6-таксопарк маъмурияти шуни маълум қилдики, 13 февраль куни 27—35 ТНС машинаси ҳайдовчиси М. Эргашев хнзмат кўрсатиш қоидасини бузган. Унинг бу қилмнши жамоатчилик комиссиясн йнғилишида ва ҳайдовчилар ўртасида муҳокама қилинди.

Такси хнзматн қоидаларинн бузганлнгн учун ҳайдовчи М. Эргашевга қаттиқ вноговор берилди ва шу йилнинг март ойн мукофотндан юз процентга маҳрум этилди. Бундан ташқари ҳайдовчи М. Эргашев ўн учнчи маош ва янги машина берншдан маҳрум этилди.

2 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ

4 АПРЕЛЬ, 1984 й.





НОВДАЛАРНИ БЕЗАБ ҒУНЧАЛАР...

Кўклам ўзининг бутун тароватини, лутфу эҳсонини кўз-кўз этаётган шу кунларда ўлкамиз янада гўзаллашиб кетди. Тоғ даралари, водийлар қўйнидаги гўзал оромгоҳлар, қадимий боғлар, чўлу биёбонлар кўклам зийнати бўлган анвойи гулларнинг муаттар исларига тўлиб тошди.

Алвон лолалар қирадирлар узра мавжланиб, дилларга баҳорий кайфият бахш этмоқда. Бобо қуёш ўз ҳароратини борлиққа саховат билан улашяпти. Чор атрофда қушларнинг сеҳрли садолари. Ҳа, уйғониш фасли ўзининг бутун нафосати, сеҳру жозибаси билан яшариш, яшнатиш қўшиғини куйлаётганга ўхшайди.

В. Таран
фотоэтюдлари.





ҚОН БОСИМИНГИЗ ҚАНДАЙ?

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

ГАЗЕТХОН ИЛТИМОСИ

Ҳурматли редакция! Қон босими ошмаслиги учун нималарга эътибор бериш керак!

С. Нормуҳамедов,
«Ташсельмаш» заводи ишчиси.

Қон босими хасталигининг турли ёшдаги эркаклар ва аёлларда кузатилади: беҳоллик, салгина жаҳл чиқиши, уйқунинг ёмонлиги, бош оғриши, бош айланиши, бош лўқиллаши, кўз олдида «тўр» кўриниши, яъни майда нарсаларнинг жимирлаб кўриниши, вақти-вақти билан юрак атрофининг санчиши, юрак уришининг тезлашиши каби хоҳуш ҳолатлар. Азиз оқшомхонга тушунарли бўлсин учун қон босимининг уч босқичда кечишини қисқача баён қиламиз:

Биринчи босқич артернал босимнинг вақти-вақтида ошиб туриши билан характерланади. Бу босқичда қон босими фақат даволаш таъсиридагина туша_ди, кейин у яна ошиши мумкин. Баъзан мия ҳамда юрак тож артерияларининг сиқилиши пайдо бўлади. Бу босқичда буйрак, мия, юрак томирларида муҳим ўзгаришлар содир бўлгани кўрилади.

Учинчи босқичда органлар ва тўқималарда склеротик ўзгаришлар ривожланади, бунда ҳаёт учун муҳим бўлган органлар: буйрак, юрак ва миянинг иши бузилади. Юрак қон томирларининг фаолияти сусаяди, натижада, нафас чиқиши, юрак уришининг тезлашуви, юрак соҳасида оғриқ, шиш пайдо бўлади. Ўпка ва жигарда қоннинг димланиши кузатилади. Учинчи босқичнинг дастлабки пайтларида меҳнат қобилияти сақланади, кейин эса пасаяди.

Хасталикнинг кечиш муддати турлича бўлиши мумкин. Кўпинча касалликнинг кечиши хавфли ёки аста-секин зўрайиб борувчи характерга эга бўлади. Бунда беморнинг аҳволи секинлик билан узоқ муддатгача ёмонлашиб боради. Касалликнинг хавфли тури катта ёшдаги кишилар орасида кам учрайди, у кўпинча ёшларда кузатилади.

Касаллик тўсатдан бошланиши: беморда қон босимининг ошиб кетиши, бошнинг қаттиқ оғриши, қусиш, баъзан талвасага тушиш, гипертоник кризсларга ўхшаш ҳолат пайдо бўлади. Бундай беморлар ақлий ва жисмоний меҳнат билан зўр бериб шуғулланмасликлари, салгина ҳаяжонланмасликлари, ишлаш ва овқатланиш режимига риоя қилишлари керак. Иш пайтида вақти-вақти билан (бир-икки соатда бир марта) 10—15 минут танаффус қилиш мақсадга мувофиқдир, шунда меҳнат қобилияти тикланади. Агар бемор жисмоний меҳнат билан шуғулланса, танаффус вақтида бир неча минут ўтириб ёки ётиб дам олгани маъқул. Бу ҳолат қон айланишини яхшилайди, юракнинг асаб-мускул аппаратлари механизмини активлаштиради.

Ақлий меҳнат билан шуғулланганда, аксинча, очиқ ҳавода бирор иш билан шуғулланиш яхши наф қилади. Дам олиш кунларини шаҳардан ташқарида, гўзал табиат қўйнида ўтказиш муҳим. Шунингдек, кечаси яхши ухлашга ҳаракат қилиш лозим. Одам яхши, тўйиб ухламаганда бош мияда тормозланиш процесслари бузилади, бу эса рефлексларга таъсир кўрсатиб, қон босимини оширади. Тинч ва қаттиқ ухлаш учун ётишдан бир-икки соат олдин ҳар қандай жисмоний ёки ақлий куч талаб қиладиган ишни тўхтатиш керак. Кечки овқатдан кейин 30—40 минут сайр қилиш нур устига аъло нур бўлади.

Овқатланиш тартибига риоя қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шошиб-пишиб, йўл-йўлакай овқатланиш одамнинг умумий аҳволига ёмон таъсир қилади, соғайишини чўзиб юборади. Овқатни оз-оздан, тез-тез еб турган маъқул. Тез семириб кетишга мойил кишиларга ширинликлар, хамирдан тайёрланган маҳсулотлар, мол ёғи кабиларни камроқ ейиш тавсия этилади.

Йилнинг ҳар қандай фаслида ҳам қон босими касаллиги бор одам организми витаминларни, айниқса, витамин С ни кўплаб талаб қилади, чунки бу витамин қонда холестеринни камайтиради ва холестеринниг қон томирларига сингишига тўсқинлик қилади. Ҳўл мева ва сабзавотларни дастурхондан аритмаслик лозим. Наъматакни дамлаб ичиб туриш керак. Тамаки чекиш ва ичкиликлик ичиш умр эгови эканини унутмаслик лозим. Шошмашошар ва жонсарак бўлмаслик, меҳнат билан дам олишни меъёрида олиб бориш керак.

Н. ҚОСИМОВ,
медицина фанлари кандидати.




ТОШКЕНТ—ОЛМАОТА ШАХМАТ МАТЧИ

28 ва 31 март кунлари газетамизда сиртқи «Дўстлик матчи»нинг ҳар икки тахтасида олмаоталик шахмат мухлисларининг юришлари эълон қилинган эди. Улар ўзларн оқ донада ўйнаётган биринчи тахтада навбатдаги учинчи юришни — f2—f4 маълум қилишди. Иккинчи тахтада эса тошкентлик_ларнинг Kg1—g3 юришга Kg8—f6 юришн билан жавоб беришган эди.

Газетхонлардан тошкентликлар оқ донада ўйнаётган иккинчи тахтада навбатдаги юриш, биринчи тахтада олма_оталикларнинг f2—f4 юришга қандай жавоб бериш ҳақида фикр билдиришни сўраган эдик.

Редакция шахмат мухлисларидан 263 таклифлар ёзилган хат олди. 75 газетхон таклифини телефон орқали хабар қилди. Уларнинг кўпчилиги биринчи тахтада олмаоталикларнинг юришига d7—d5 юришн билан жавоб беришни, иккинчи тахтада эса навбатдаги — тўртинчи юриш e2—e3 тарзида бўлишини таклиф қилишган. Жумладан, Х. Иноғомов, Д. Мархаев, Ж. Исмоилов, Б. Юсупов, Ф. Қора_боев, Х. Саломов, О. Насриддинов, И. Норбеков, У. Юсупов, Ш. Хидиров, Т. Набижонов, В. Пустоветов, Тошкент шаҳар Ленин районидаги шахмат тўгарагининг аъзолари, А. Ештаев, Ш. Солиев, А. Олин, М. Мирхабибов, Д. Содиқов, Қ. Фозилов, Д. Юнусов, И. Мусаев ва бошқалар шундай таклиф билдиргалар. Бу юришлар тўғри деб топилди.

Олмаота—Тошкент,
Тошкент—Олмаота



Ҳурматли газетхонлар! Биринчи тахтада Вена, иккинчи тахтада фарзин гамбити партияси давом этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда биринчи тахтада олмаоталиклар қандай юриш қилишлари мумкин? Бу ҳақдаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳри, ГСП Ленин кўчаси, 41, «Тошкент оқшоми» («Дўстлик матчи»)га. Таклифларингизни 330874, 325680, 325681, 325885, 332895 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.

«ОСКАР» СОВРИНДОРЛАРИ

Яқинда гроссмейстер Г. Каспарова «Оскар» совринни берилганлиги ҳақидаги хабарни ўқиб қолдим. Иложи бўлса шу соврин ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

А. Салимов, Б. Хўжаев.

«Оскар» — йилнинг энг яхши шахматчисига топшириладиган совриндир. Кейинги икки йилдан буён бу совринни билан шахматчи аёллар ҳам мукофотлана бошлади. Аёллар ўртасида биринчи бўлиб «Оскар» совринни билан Нона Гапиндашвили тақдирланди, ўтган йили эса жаҳон шахмати уфқида пайдо бўлган янги ёркин юлдуз — Пиа Крамлинг (Швеция) совриндор бўлди.

«Оскар» совринини Шахмат матбуоти халқаро ассоциацияси — АИПЕ (Ассосиасьон интернасиональ де ла прессешикен) беради, у АИПЕнинг ҳозирги фахрий президенти, Испания шахмат ташкилотчиси Жорд Пуч ташаббуси билан 1968 йилда ташкил этилган.

Биринчи «Оскар» от миниб турган киши тасвирланган кумуш ҳайкалча эди. Кейин совринда Мадрид герби — дарахт олдида орқа икки оёғида турган айиқча акс эттирилди. 1973 йилда бу айиқчани А. Карпов «ёқтириб» қолди, устма-уст ана шу совринни қўлга киритди. Ҳозир А. Карповда саккизта «Оскар» бор.

Ҳозирги «Оскар»лар Испаниядаги бошқа бир шаҳар — Барселона герби: очиқ соябон тутиб турган назокатли аёлни ифодалайди.

Биринчи «Оскар»ни 1967 йилда Б. Ларсен қўлга киритган, 1968, 1969 йилда Б. Спасский, 1970, 1971, 1972 йилда Р. Фишер ана шу совринни билан мукофотланган. 1973 йилдан 1981 йилга қадар совринни А. Карповга берилди. 1978 йил бундан мустасно. Чунки ўша йили АИПЕ қайта тузилаётганлиги ва овоз беришда социалистик мамлакатларнинг вакиллари қатнашмаганлиги учун совринни В. Корчной олди. Кейинги икки йилда Г. Каспаров энг яхши шахматчи деб эътироф этилди.

ТОШКЕНТЛИК ГИМНАСТИКАЧИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Яқинда «Московские новости» газетасининг совринни учун ўтказилган спорт гимнастикаси бўйича Халқаро мусобақаларда Баракснова кўпкураш якунида кумуш медаль билан тақдирланди. Предмет устидан сакраш ва эркин машқни бажаришда эса юксак маҳорат кўрсатиб, олтин медаль олишга муваффақ бўлди.

СУНГГИ КОЛОНКА

● УЗГАНИНГ ЮРАГИ БИЛАН... УИГА

Юракни кўчириб ўтказиш бўйича операцияни бошидан кечирган (анга шу ҳақда «Тошкент оқшоми»нинг шу йил 27 февралдаги «Сўнгги колонка»сида хабар бериб ўтган эдик) Чехословакиянинг биринчи кишиси касалхонадан чиқди. Олти ҳафтали даволаш курсидан кейин унинг саломатлиги яхши, дейишади ЧТК агентлиги берган хабарда. Юракни кўчириб ўтказиш бўйича операция Прагадаги клиник ва эксперимental медицина институтида қилинган эди.

● ЭРИНИНГ УЧИНИ ХОТИНИ ОЛДИ

Бразилиянинг Сан_Паулу шаҳридаги икки боксчи ўртасидаги мусобақанинг шундай натижа билан тугашини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган эди. Мамлакатда таниқли бўлган боксчи Пабло Сантунинг рақиби мусобақада унга нисбатан анча кучли ҳаракат қилиб, Сантунн қаттиқ зарб билан нокаут қилди. Санту қанчалик зўр бериб урнимасин ҳеч ўрнидан туролмади. Судья эса боксчини ўрнидан туришга даъват этадиган ҳисобни тугаллаб, Сантунинг рақиби қўлини кўтариб унн ғолиб деб эълон қилмоқчи бўлганида ғарибнй воқеа юз берди. Рингда шу пайт кутилмаганда яна бир «кураш»чи турардн... У Пабло Сантунинг рафиқаси экан. Газабга тўлган боксчининг хотини эрининг рингдаги рақибн олдига югуриб келиб унн шу даражада кучли зарб билан урдики, ғолиб боксчи ўрнидан туролмай қолдн...

● ЭЛЕКТРОН «ЭНАГА»

Винницадаги медицина билим юртида ясслар учун электрон «энага» дунёга келди. Бу «энага» бир вақтнинг ўзида ўнта, йигирмата ва ундан ҳам кўп чақалоқни парвариш қила олади. «Энага» ҳали жуда ёш бўлишига қарамай катта мукофот билан ҳам тақдирланди. Житомирда ўтказилган медицина билим юртларн ўқувчиларининг техника юзидн областлараро виставкасида электрон «энага» биринчи ўринни эгалладн.

Электрон «энага»нинг қўлидан кўпгина ишлар келади...

● 9 ОЙЛИК ЧАҚАЛОҚ — МАШИНА ЙИЛИДА

Индианаполисн н н г одам жуда гавжум кўчаларидан бирида машинасини ҳайдаб бораётган Жим Пламмерга назарида бирдан машинасн олдидан қандайдир бир жонзот ўтаётгандек бўлиб туюлдн... Машинасини тўхтатганда ҳайратдан ёқа ушлаб қолдн: не кўз билан кўрсинки йўлни эмизикли чақалоқ кесиб ўтаётган экан...

Эси оғишига озгина қолган Жим Пламмер тезлик билан ҳалиги мурғакни полицияга топширди. Бироз вақт ўтгач унинг исмн ҳам аниқланди. Чақалоқнинг исмн Гари Уэслн Аллен бўлиб, энди тўққиз ойлик бўлган экан. У трассадан 18 та уй нарида турар экан. Ҳудди ана шу ерда чақалоқнн топиб олишган эдн.

Полицняга ёрдам беришларини сўраб мурожжат қилган чақалоқнинг онаси шундай деди: «Ўғлим қорни очиб одат бўйнча эрталаб йнглаб уйғонарди. Бу гал йнгламаганлиги сабабли ўзим уйғонib кетибман...»

● ШУ ҲАМ РЕКОРД

Гиннесснинг ҳар ннл олдн_қочдилар қайд этнладнган рекордлар ютобнга кирншга аҳд қилган Португалнянинг Лейрня шаҳрида яшовчи 22 ёшли Карлос Альберто Гонсальес бир сутка мобайнида деярлн дам олмасдан зарб билан чалннадиган асбобни ишлатиб турдн. График бўйнча у ҳар соатда бор_йўғн 5 мннут дам олдн. Лнссабон матбуотнннг берган хабарнга қараганда рекорд ўрнатгандан сўнг Карлоснинг саломатлнги қониқарлн бўлиб турибдн.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ
4 АПРЕЛЬ, 1984 й.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Хонадонга хизмат бюроси

Чин дилдан раҳмат

Оқ халатли нуроний киши ҳамманинг диққатини ўзига тортиб боради. У касалхона ҳовлисида учраган ҳар бир врач, ҳамшира, ўзи даволаётган беморлар билан саммий сўрашади, чиройли табассум қиладн.

— Одил ака Мухторов камтар, ширинсухан, беморларга меҳрибон, олижаноб инсон,— дедн бир бемор.— Қўли енгил, унда даволанадиган касаллар тезда тузалиб кетади.

Чиндан ҳам шундай. Одил Мухторов СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти урология кафедрасининг мудирн бўлиб ишлайди. У ҳақда Абу Али ибн Сино номли 1_шаҳар клиник касалхонаси 1-урология бўлимн мудири Ҳасан Толипов шундай дейди:

— Профессор Одил Мухторов ва кафедра доценти Давид Маирович Рубиновлар беморларни даволашда ниҳоятда захматли меҳнат қилишади. Уларнинг фидойилнги, беморларга сидқидиллик билан қарашлари ҳамма шифокорларга намуна бўладн.

Ана шу касалхонада бнр неча йиллардан бери ишлаётган Ф. Л. Дочкина, Ф. Низомов, А. Дадабоев, А. Ғайбуллаев каби моҳир врачлар, В. И. Кашина, М. А. Партная, К. Турсунмуродова каби ҳамшираларнинг ширинсуханлнги, беморларга эътиборли ва меҳрибонлнгидан ҳамма беҳад хурсанд бўлаяпти. Улар бемор дардига малҳам бўлишни, унн хасталиқдан форнғ қилишни ўзларн учун бахт деб билишадн.

Моҳир шифокорларга, дилкаш ҳамшираларга бу ерда даволанаётган ҳар бир бемор юрак сўзини айтади:

— Чин дилдан раҳмат, азиз шифокорлар!

С. ЙЎЛДОШЕВА.

Ширин сўз—жон озиғи

Ҳа, ширин сўз—жон озиғи. Инсон ширинсузнн билан, одобн-муомаласи, ҳалол меҳнати билан азиз ва мукаррам бўладн. 17-шаҳар шифохонасининг кўз касалликларн бўлимн бошлиғи бўлиб ишлаётган Г. Қосимхўжаев ана шундай нззат-ҳурмат топган, одамлар қалбида меҳр уйғота олган моҳир шифокор. У бошчилик қилаётган бўлнм озода, саранжом-сариштa. Бу ерда ишлаётган шифокорлар —Г. Набиева, Н. Ҳасанова, М. Ҳўжаева, М. Қўчқорова, М. Тошмуҳамедова, З. Абдулғаффоровалар беморларга ширинсуханлнги ва яхшн дори-дармонларн билан даво бериб, дил олқишига сазовор бўлишмоқда.

Бизга шифо бағишлаётган бу азизларнинг қўлларн ҳеч дард кўрмасин!

Ж. ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, шахсий пенсионер, меҳнат ветерани.

А. ЭШОНҚУЛОВ,
Тошкент районидаги Абдураҳмонов номли совхоз шофёри.

Тасанно

Акмал Икромов районнинг «Почта» бекатидаги кўркам, ҳашаматлн бино — бу кўппрофилли болалар ва катталар касалхонаси. Бу ерда ширинсухан, камтар ва ўз ишига садоқатли врачлар беморлар дардига даво топишмоқда.

Касалхонанинг неврологня бўлимида ишлаётган Асил Мўминов, Маҳмуд Тошмуҳамедов, ҳамширалардан Ҳ. Соатова, Н. С. Домникова, Н. Мақсудова, Р. Ҳайдарова, Н. Абединоваларнинг меҳнатига беморлар тасанно айтишмоқда. Шундай ажойиб қалбли, сидқидил врачлар бор экан, меҳнаткаш халқимиз доим соғлом, бардам бўлишига ишончимиз комил.

— Раҳмат, азиз шифокорлар.

Х. ШОНИЁЗОВА,
«Мухбир» журналининг ходими.

● ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИДАН

Умр ва меҳнат

Ўлим тўшагида ётган шифокор шогирдларига деди:

— Узоқ умр кўриш учун, биринчи навбатда асабни сақлаш, мириқиб ухлаш, ич юриши ва терлаб туриш керак.

Абул ФАРОЖ.

●

Беш нарса умрнинг узайишига сабаб бўлади: ёқимли овоз, гўзал манзараларни томоша қилиш, маишатда фаровонлик, ширин сўзли хотин, мурод ҳосил бўлиши.

Фаридиддин АТТОР.

●

Узоқ умр кўрай десангиз, нодон ва табиатингиз ёқтирмайдиган киши билан бир дақиқа бўлса-да суҳбат қилманг.

М. АИВАЗОВ.

●

Меҳрибон ва раҳимдил бўлмоқ умрнинг узоқ бўлишига ва ризқнинг баракали бўлишига имкон беради.

Ал-МУҲСИНИЙ.

●

Жисмоний машқ ила мен баданимнинг мувозанатини тўғрилаб оламан.

СУҚРОТ.

●

Билимни эгалламоқ учун меҳнат қилиш, баданни дангасаликдан қутқариш фойдалидир. Чунки дангасалик, ишёқмаслик баданнинг бузилишига сабаб бўлади.

КАЙКОВУС.

●

Бир киши донодан сўради:

— Ўлимга нима яқину, нима узоқ?

— Уйқу ўлимга қанча яқин бўлса, ҳаракат ўлимдан шунчалик узоқдир, — жавоб берди доно.

ЗОЛ-ЗАР.

●

Давомли жисмоний ҳаракатсизликдек одамни сўндирадиган ва бузадиган нарса йўқ.

АРАСТУ.

● *Наботот ажойиботлари*

Хабарчи ўсимликлар

Табиатни қарангки, гулларни ҳам сезгир қилиб яратган экан. Гладиолус (туганак пиёзли) кўп йиллик гул) фақатгина ўзининг кўркам гулини намойиш қилиб қолмасдан, атроф-муҳитни нечоғлик беғубор ва мусаффолигидан дарак берар экан. Мабодо ҳаво таркибида инсон саломатлиги учун озор берадиган фтор бирикмалари пайдо бўлса, гладиолуснинг табиий кўринишида ўзгариш сезилади. Шу билан у атмосфера ҳавосининг санитария назоратчиси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Чет эллик олимларнинг текширишича, дуккакли ўсимликлар ҳамда тамаки ўсимлигининг табиатда ўзини тутишга қараб атмосфера ҳавоси ифлосланишидан дарак бериб туради. Жумладан, мазкур ўсимликлар ҳаводаги озоннинг салмоғи ўзгаришига ҳамда фотохимиявий смог (туман билан зарарли моддаларнинг муштарак ҳолати) ифлосланиш даражасини кўрсатиш қобилиятига эга.

Оддийгина йўнғичқа воситаси билан ҳаво таркибида энг ашаддий олтингугурт икки оксиди мавжудлигини аниқлаш мумкин.

● *Шунақаси ҳам бўлади*

ШОВҚИНЛИ ШАҲАР


Европа мамлакатлари пойтахтлари орасида Рим шовқин-сурон жиҳатидан биринчи ўринда турар экан. Бунга, асосан, шаҳар кўчаларидаги автомобиллар ҳаракати сабаблиги аён, албатта. Шаҳар транспорти ҳаракати энг авжига чиққан соатларда кўчалардаги шовқин 80 децибелни, ер ости ўтиш жойлари ва тоннелларда эса 90 децибелни ташкил этади. Мутахассисларнинг ҳисоблашига қараганда, бу даражадаги шовқин инсон соғлиғи учун ниҳоятда зарарли бўлиб, эшитиш органлари фаолиятининг бузилишига олиб келади.

Ваҳоланки, эрамиздан олдинги олтинчи асрда римлик темирчи-ҳунармандларга шаҳар ичида ишлашга рухсат берилмаган. Ўша вақтларда одамларни безовта қилмаслиги учун шаҳарда ҳатто хўроз боқишни тақиқлайдиган махсус фармон чиқарилган эди.

«Шифокорлик касбим билан фахрланаман»,— дейди ҳамшира Анна Водовоз. У кўп йилдан бери 7-стоматология поликлиникасида элга хизмат қиляпти. Намунали хизмати учун Собир Раҳимов райони соғлиқни сақлаш бўлимининг фахрий китобига Анна Водовознинг номи ёзилган.

СУРАТДА: ҳамшира А. Водовоз беморнинг тишини даволаяпти.

Ҳ. Шодиев фотоси.



Меҳнаткашлар саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида шифокорларимиз сидқидилдан жон куйдиришади. Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий текшириш институти клиникасида даволанаётган беморларга шифокорлар намунали хизмат кўрсатишаяпти.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) ошқозон ва ичак касалликлари бўлимн мудири Лазизза Ҳайдарова, медицина ҳамшираси Муҳтарам Эргашева ва врач Назмиддин Нуриддиновлар беморнинг рентген суратини кўздан кечиришмоқда.

И. Тулисбоев фотоси.



КЎНГИЛ БЎСТОНИ

● Кулги гўё шундай бир олтин сиқмобки, бир жойда сочилса, иккинчи жойдан сизиб чиқадиган маъданга ўхшайди.

● Кулги бамисоли бойчечак гулига ўхшайди, бир жойда эзилса, бошқа бир жойдан қайнаб чиқади.

● Очилмайдиган гул, кулмайдиган одам бўлмайди.

● Одамлар!.. Гулларга яхшилаб боқинг, тикилинг, худди хандон отиб кулаётганга ўхшайди, роҳат оласиз.

● Одамлар кўнглига боқ, бағрида яхшилик ниҳолини ўстир, авайла, юмшат!

● Табассумни гуллардан ўрганинг, нигоҳ боқинг, тикилинг, сизга алланималар деяётгандек бўлади.

● Гулгун ҳаётдан, дўстлар суҳбати хандаларидан баҳра олишни кечиктирманг, бу умрни узайтиради.

Б. АМИНОВ.

М. Қорнёқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

6 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА

БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ-БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИК-КОНКУРСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва ҚҚАССР халқ артисти

ГУЛШОД ОТАБОЕВА

VI Жаҳон фестивалининг лауреати

АНВАР РУСТАМОВ

Солистлар: Бахтиёр ХОЛХЎЖАЕВ, Абдуқодир ЮСУПОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Моҳичеҳра ИСЛОМОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари, бош балетмейстери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қодир МЎМИНОВ.

Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

4—8 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

КОНЬКИДА ФИГУРАЛИ УЧИШ БЎЙИЧА

СССР ЧЕМПИОНАТИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ФИГУРАЧИЛАРИ, ЕВРОПА, ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТЛАРИ, ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИНИНГ ҒОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ ИШТИРОК ЭТАДИЛАР.

4 АПРЕЛЬ

соат 8.00 дан 15.30 гача

ЭРКАКЛАР — ЁЛҒИЗ УЧИШ. МАЖБУРИЙ ФИГУРАЛАР.

СПОРТ РАҚСЛАРИ. МАЖБУРИЙ РАҚСЛАР.

соат 19.30 да

МУСОБАҚАЛАРНИНГ ОЧИЛИШИ. ҚАТНАШЧИЛАР ПАРАДИ.

ЖУФТ БЎЛИБ УЧИШ. ҚИСҚА ПРОГРАММА.

5 АПРЕЛЬ

соат 8.00 дан 12.00 гача

АЁЛЛАР—ЁЛҒИЗ УЧИШ. МАЖБУРИЙ ФИГУРАЛАР.

соат 16.00 дан 18.30 гача

СПОРТ РАҚСЛАРИ. ОРИГИНАЛ РАҚС.

соат 20.00 да

ЭРКАКЛАР— ЁЛҒИЗ УЧИШ. ҚИСҚА ПРОГРАММА.

6 АПРЕЛЬ

соат 16.00 дан 18.30 гача

АЁЛЛАР —ЁЛҒИЗ УЧИШ. ҚИСҚА ПРОГРАММА.

соат 20.00 да

ЖУФТ БЎЛИБ УЧИШ. ЭРКИН ПРОГРАММА.

7 АПРЕЛЬ

соат 15.00 дан 18.00 гача

СПОРТ РАҚСЛАРИ. ЭРКИН РАҚС.

Соат 20.00 да

ЭРКАКЛАР —ЁЛҒИЗ УЧИШ. ЭРКИН ПРОГРАММА.

8 АПРЕЛЬ

соат 15.00 дан 17.30 гача

АЁЛЛАР—ЁЛҒИЗ УЧИШ. ЭРКИН ПРОГРАММА.

Соат 19.30 да

МУСОБАҚАЛАРНИНГ ЁПИЛИШИ. ҚАТНАШЧИЛАР ПАРАДИ.

ҒОЛИБЛАРНИ МУКОФОТЛАШ.

КЎРГАЗМАЛИ ЧИҚИШЛАР.

БИЛЕТЛАР «ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ САРОЙИ КАССАЛАРИДА СОТИЛМОҚДА.

Кассалар ҳар куни соат 10.00 дан 19.00 гача, мусобақалар вақтида кечки программа тугагунча ишлайди.

КЎРГАЗМАЛИ ЧИҚИШЛАРДАН ТАШҚАРИ МУСОБАҚАЛАРГА КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-70-31, 46-07-53, 46-68-77.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳар ижроия комитети Бош савдо бошқармасининг

«ТАШЛИМВОДТОРГ»ига

киоскаларда мороженое, совуқ ичимликлар; цистерналарда квас ва пиволарни сотиш учун мавсумий ишга уй бекалари ва пенсионер сотувчилар.

«ТАШПРОМСТРОЙ» МОНТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ 63-ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

табелчилар, электр пайвандчилар, монтажчилар, ғишт терувчилар, дурадгорлар.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИГА

безакчилар, слесарь-созловчилар, фрезерчилар, пайвандчи, контролёрлар, инженер-технологлар, ёрдамчи ишчилар, бухгалтерлар, электрик-техник.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

КИРОВ РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА

бош бухгалтер ўринбосари, қурилиш ташкилоти лойиҳа бош технологи, сметачи катта инженерлар, катта инженер-экономистлар, техник-сметачилар, смета бўлими группаси раҳбари, етакчи инженер-сметачи.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»

«ПРОМСТРОЙКОМПЛЕКТ» БИРЛАШМАСИГА

қолипчилар, арматурачилар, газ-электр пайвандчилар, кўприкли кранларнинг кранчилари, слесарь-монтажчилар, механика-йиғув ишлари слесари, токарлар.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 64-уй,
Ҳамза район пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 53-уй.
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй.
Собир Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Акмал Икромов район пункти — Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

4 АПРЕЛДАН БОШЛАБ

ФАҚАТ 10 КУН

СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИ ВА

ТАТАРЧА ҚУВНОҚ «САБАН ТЎЙИ»

ПРОГРАММАДА:

ПАРАД-ПРОЛОГ;

БИР ҒИЛДИРАКЛИ ВЕЛОСИПЕДЧИЛАР.

Татаристон АССР халқ артисти ДАМИР ГИБАДУЛЛИН раҳбарлигидаги

ЖОНГЛЕРЛАР ГРУППАСИ,

Татаристон АССРда хизмат кўрсатган артист РИНАТ АҲМЕТЗЯНОВ бошчилигидаги

ҲАВО ГИМНАСТЛАРИ;

Татаристон АССРда хизмат кўрсатган артист НИКОЛАЙ КАЗИЛЬСКИЙ раҳбарлигидаги ГИМНАСТЛАР;

Татаристон АССРда хизмат кўрсатган артист ГАБДУЛҲАҚ ГИБАДУЛЛИН раҳбарлигида

ҲАЙВОНЛАР АТТРАКЦИОНИ

Бутун томоша давомида машҳур қизиқчи масхарабоз РАШИД САФАРОВ МОСКВА ва ЛЕНИНГРАД цирки артистлари билан ҳамкорликда томоша кўрсатади;

«БИРЛИК» ҲАВО ПАРВОЗИ — раҳбар М. РОДИН;

математика билимдони саман от ва чавандозлик олий мактаби — АЛЛА ва МИХАИЛ КОРОЛЕВЛАР;

ПЛАСТИК ЭТЮД — Зинаида ВАРИЧЕВА;

«РАДУГА» АКРОБАТИК АНСАМБЛИ — раҳбар ВАЛЕНТИН ДЕЕВ;

ЧАВАНДОЗ ҚИЗЛАР — раҳбар ВАЛЕНТИНА ДЕЕВА.

Тошкент циркининг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССР халқ артисти — ОБИДЖОН ТОШКЕНБОЕВ.

Татар циркининг бадиий раҳбари ва постановкачиси — Татаристон АССРда хизмат кўрсатган артист — ГАБДУЛҲАҚ ГИБАДУЛЛИН.

Томошалар шанба куни соат 16.00, 19.30 да. Якшанба куни соат 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.

КАССА СОАТ 10.00 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

95-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МЕТАЛЛ БЎЙИЧА ТОКАРЬ, МЕХАНИКА-ЙИҒУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, САНОАТ УСКУНАЛАРИНИ ТУЗАТИШ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, ЭЛЕКТР-ПАЙВАНДЧИ, ОТК КОНТРОЛЕРИ, АВТОСЛЕСАРЬ.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар қабул қилинадилар.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар учун ўқиш муддати 3 йил, ўрта маълумот билан кирганлар учун 1 йил.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини тугатганлар юқори малакали мутахассис бўлганликлари тўғрисида диплом оладилар ҳамда улар олий ўқув юртлари ва техникумларига кириб ўқишда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртида 3 йил ўқийдиганлар тўла давлат таъминотида бўладилар. 1 йил ўқийдиганларга эса ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Билим юртида юқорида кўрсатилган ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлайдиган 6 ойлик курслар ташкил қилинади. Бу курсларда ўқиш группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), таржимаи ҳоли, турар жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, сўнгги иш жойидан (ўқиш жойидан) характеристика.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9 дан 17 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: 700077, Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Владимирский переулоги, 15-уй (17, 18-троллейбуслар, 1, 4, 17, 63, 102-автобуслар, 3, 13, 22-трамвайларнинг «Партия мактаби» бекати, метронинг «М. Горький станцияси»).

ГУЛЛАБ ЯШНА, БОҒИМ!

Боғ ва полизнинг юмуши кўп: дарахтлар ва буталар мириқиб «нафас» олиши учун ерни чопиш лозим, «озуқалантириш» учун керакли маъдан ўғитлар билан парваришлаш керак, ортиқча шох-шаббаларни кесиб ташлаш керак... Юмушларнинг энг муҳими — боғни касаллик ва зараркунандалардан халос этишдир. Акcинча етарли яхши ҳосилга эришиб бўлмайди.

Мана шунинг учун ҳам ҳар бир ҳаваскор боғбон ўсимликлар зараркунандалари ва касалликларига қарши курашда етарли воситалар билан «қуролланмоғи» керак. Унинг «аптечка»сида мис купороси, темир купороси, нитрафень—фунгицид антихлорозин, мис—фунгицид купороси, карбофос, суюқ бордес ва бошқа кўпгина химикатлар бўлмоғи керак.

Шуни унутмаслик лозимки, сиз хавфли касалликларни қанчалик барвақт пайқаб қолсангиз, уни «даволаш» шунчалик самарали бўлади. Бу йилги қиш ғоятда қаттиқ келди. Натижада дов-дарахтлар цитоспороз касаллигига учраб, уларнинг нозик шох-шаббалари қуриб қолади, жароҳат пайдо бўлади. Бундай жойларда дарахтнинг қобиғи кенгайиб, унда кўплаб қора ғадир-будур жойлар— яъни споралар яшаб ин қурадиган уялар пайдо бўлади. Дарахтларнинг бундай «хасталанган» жойини ўткир пичоқ билан то соғлом жойигача тозалаб борилади, 3—5 процентли мис ёки 5—8 процентли темир купороси билан дезинфекция қилинади, шундан кейин жароҳатланган жойга «петролатум» деб аталган боғдорчилик муми ёки дарахтнинг пўстлоғи аралаштириб қорилган лой (1:1 нисбатида) билан беркитилади.

Қўлингизга лупа олиб дарахтнинг бутун танасини синчиклаб кўздан кечиринг. Куртакларнинг бўғинли жойидаги пўстлоқларида олма дарахтининг қизил ва қорамтир тусли каналарнинг уруғини учратиш мумкин. Бундан ташқари шира, барг кемирувчи қўнғиз тухумини ҳам учратиш мумкин. Агарда улар кўпайиб кетган бўлса, бугунги ишни эртанги кунга қолдирмай уч процентли нитрафен (300 грамм химикатга 10 литр сув қуйилади) қоришмаси билан дарахтга пурканг ва тупроқ остига солинг. Агарда зараркунандаларнинг тухумлари кўзга кўринмаса, у ҳолда дарахтнинг танаси атрофидаги тупроқни 7 процентли мочевина ёки хлорли калий (700 грамм химикатга 10 литр сув қуйилади) қоришмаси билан тупроқ қайта ишланади. Эски барглар орасида қишлаб қолган бундай қўнғизларнинг споралари пуркалганидан кейин тезда ҳалок бўлади, ўсимлик қўшимча минерал озуқасини ола бошлайди.

Баҳор фаслида баъзан олчанинг бўртиб турган куртаги гул ёзмайди, лекин унинг ичида олча дарахтида ўрмалаб юрадиган куяни топиш мумкин. Агарда куя кўпайиб кетган бўлса, дарахтни 0,2 процентли хлорофос қоришмаси (20 грамм химикатга 10 литр сув қуйилади) ёки 3 процентли карбофос қоришмаси билан пуркалади.

Дов-дарахтларда чўтирлик, ола тароқлик, тақирлик, коккомикоз пайдо бўлиб қолмаслиги учун бордос суюқлиги билан пуркаш керак. Пуркаш ишларини барглар куйиб кетмаслиги мақсадида қуруқ ҳавода ўтказиш лозим.

5 апрель куни «Ҳаммаси боғ ва полиз учун» магазинида ўтказиладиган боғ-полизкорлик жиҳозлари, минерал ўғитлар ва заҳарли химикатлар савдо кўргазмасида малакали мутахассислар ўсимликларнинг касалликлари ва зараркунандаларга қарши курашиш бўйича батафсил консультация олиш мумкин. Сиз худди шу ерда боғбон-ҳаваскорнинг аптечкаси учун барча дори-дармонларни сотиб оласиз.



Магазин Навоий кўчасидаги («Дўстлик» меҳмонхонаси рўпарасида) ярмаркада жойлашган.

«ТАШХОЗТОРГ» (телефон 91-59-43).

ТОШКЕНТ ШАҲАР САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ (телефон 33-68-83).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24 (25).

ТВ

ЧОРШАНБА

4 АПРЕЛЬ

● МТ I

18.00 «Аюшка» рус халқ чолғу ансамблининг чиқиши.
18.20 Венгрия фашист босқинчиларидан озод қилинган кунга. «Венгер тупроғида». ВХР телевидениесининг программаси.
19.05 Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Спорт ҳафталиги».
20.00 «Хонадонингиздаги гуллар».
20.15 «Анна Каренина». Бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Йил бўйи ҳосил олинади».
22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Химик 2- ва 3-даврлар. Танаффус пайтида (23.05) —«Агар соғлом бўлай десанг». Академик Н. М. Амосов билан учрашувлар. 1-кўрсатув. Кўрсатув тугагач (24.00)— «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 Телефильм.
19.00 «Коллектив нимага қодир». 2-кўрсатув. «Меҳнаткаш атом».
19.30 —20.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
20.45 «Транспорт. Келажак нишоналари». Илмий-оммабоп фильм.
20.55 «Дунё ва ёшлар».
21.30 «Время».
22.05 «Катта танаффус». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
23.10 «Хатларингиз асосида». Музикали кўрсатув.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 «Тенгдошларинг ижоди».
19.00 «Заҳириддин Муҳаммад Бобур». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Оперетта таклиф этади».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни Фаррух Содиқов олиб боради.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Бир актёр театри». Жан Кокто. «Инсон овози».
23.15 «Муз устида нафосат байрами». Фигурали учиш бўйича СССР чемпионатининг очилишига (рус.).
23.55 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 —16.20 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Ўқитувчи экрани.
18.40 «Кўр музикачи». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Яхши кайфият хизмати» (рус.).
20.50 «Хайр, эчки ва велосипед». Телевизион бадиий фильм.
21.30 МТ II.

ПАЙШАНБА

5 АПРЕЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мактаб ўқувчиларининг СССР ФА академиги Д. С. Лихачёв билан учрашуви.
10.25 «Анна Каренина». Бадиий фильм. 1-серия.
11.40 С. Прокофьев. «Александр Невский». Кантата.
12.25 «Асканий меридиани». Телефильм.
12.55 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «80-йиллар коммунистлари». Телефильмлар.
16.10 «Отрар-сазы» фольклор этнографик оркестрининг чиқиши.
16.45 «Олтин шайба» клубининг соврини учун.
17.30 «Скрипкачи». Фильм-концерт премьераси.
18.00 «Шахмат мактаби».
18.30 «Миллионлар ленинча университети». «Икки дунё — икки саёҳат».
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Қўшиқ сени излаб топади». Фильм-концерт.
19.55 «Ишлар ва одамлар». «Тажрибанинг бошида». Кўрсатувда СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари К. А. Антонов иштирок этади.
20.25 «Анна Каренина». Бадиий фильм. 2-серия.
21.00 «Время».
22.05 «Ёзувчи ва ҳаёт».
23.00 «Дунё воқеалари».
23.15 «Концертино» қадимий куйлар ансамбли чалади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 —9.35 «Сибирь боғлари». Телефильм.
11.05 —11.35 «Сиз яратган боғ».
12.05 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?»
14.10 М. Стельмах. Асарлари саҳифаларида.
14.55 «Ўз соясидан ҳам тезроқ». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.25 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Катта шаҳар саломатлиги». Илмий-оммабоп фильм.
19.20 «Коллектив нимага қодир». 3-кўрсатув. «Курчатов уйида».
20.00—20.30 Жаҳон халқларининг ижоди.
20.45 «Автомобиль ва автоҳаваскор».
21.00 «Ромэн» триоси иштирокида музикали кўрсатув.
21.30 «Время».
22.05 «Катта танаффус». Телевизион бадиий фильм. 4-серия.
23.10 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» —«Спартак». 3-давр.

● ЎзТВ I

11.00 «Ахборот».
11.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Мўъжизалар оламига саёҳат» (такрорий).
12.10 «Минг йиллар оша алоқа». Телефильм.
12.30 Ўқув программаси.
13.00 «Бир актёр театри». Жан Кокто, «Инсон овози» (такрорий).
13.55 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильмлар.
18.40 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ... гатиш (такрорий).
19.05 Ленинград Ёш томошабинлар театрининг Тошкентдаги гастроллари олдидан ... подлар театри».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Партия турмуши» (рус.).
20.15 «Экиш мавсуми кундалиги».
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Санъат усталари». ... халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова.
23.30 Фигурали учиш бўйича СССР чемпионати. Оригинал рақслар. Репортаж.
24.00 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 —16.30 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатуви. «Эстафета давом этади».
18.45 Реклама.
18.55 «Бу шунчаки оддий ... эмас». Телевизион бадиий фильм (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Совет хотин-қизлари» кинопрограмма.
21.30 МТ II

театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... ТЕАТРИДА — 4/IV ... актли балетлар кечаси, ... Пиковая дама, 6/IV да ... кўли.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... ТЕАТРИДА — 4/IV да ... нисо, 5/IV да Совуқ ... 6/IV да Рўё.

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Совет цирки ... ри ва татар «Сабан ... аттракционининг то... (19.30).

кино

4 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«XX АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — Чайка (16.00, телефон ... 06-20), Ватан (жуфт соатларда), Москва (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ҚОРАШАҚШАҚЛАР ... РИ» — Чайка (18, 20, ... Дружба (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), Тинчлик (... соатларда, телефон 58-...

«ИККИ КИШИЛИК ... ЗАЛ» — Нукус (18, ... 21.00, телефон 46-70-...

«САРИҚ ГУЛ» — С. ... мов номли (тоқ соатларда, телефон 48-46-71).

«ОРТИНГГА БОҚ» — ... кент Советининг 50 ... номли (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), Ҳамза ... (жуфт соатларда, ... 91-10-51).

«ОСМОН ДАРВОЗАСИ» — Дружба (жуфт соатларда), Восток (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ЛЮБОВЬ ОРЛОВА» — Лисунов номли (тоқ соатларда, телефон 96-34-02), ... (жуфт соатларда, телефон ... 14-59).

«ЭКИПАЖ» — ... номли (17, 20.00, ... 48-42-80).

5 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«XX АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — Чайка (12, 14, ... телефон 77-06-20), ... (жуфт соатларда).

«ҚОРАШАҚШАҚЛАР ... РИ» — Чайка (18, 20, ... Дружба (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), Тинчлик (... соатларда, телефон 58-... С. Раҳимов номли (... ларда, телефон 48-46-71).

«САРИҚ ГУЛ» — ... (тоқ соатларда, ... 47-70-69).

«ОРТИНГГА БОҚ» — ... кент Советининг 50 ... номли (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), Ҳамза ... (жуфт соатларда, ... 91-10-51).

«ОСМОН ДАРВОЗАСИ» — Дружба (жуфт соатларда), Москва (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ДАРБАДАРЛИК ... ГИ» — Восток (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ЛЮБОВЬ ОРЛОВА» — Искра (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ф. Н. РУСАНОВ НОМИДАГИ БОТАНИКА БОҒИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Катта ва кичик илмий ходимлар (ботаник ихтисоси бўйича): қийин мослашадиган ўсимликларни иқлимлаштириш ва интродукция лабораториясига.

Конкурс муддати — ... апрелгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700... Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 272-уй.

Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари бирлашма бош директорининг ўринбосари И. Р. Раҳматуллаевга акаси

Турсун Рихсиевич РАҲМАТУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ БЕТ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат— 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот—33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 33-90-50.

4 АПРЕЛЬ, 1984 й. Р—12179. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11